# НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА № 1201

2022йил «12» январ Пешкувон

MIDDLE ASIA GAS МЧЖ (ташкилот, корхона номи), кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Х. Темиров (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Пешкувон туман ҲХБ (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, ўзининг низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Д. Тахматов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га нефт махсулотларини автобензин ва дизел ёкилғиси бўйича 2015 йилга ажратилган лимитларга асосан, бошқа нефт махсулотлари турлари бўйича эса «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида кўрсатилган эхтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.3. Шартноманинг умумий суммаси (1348800) бир миллион уч юз қирқ саккиз минг саккиз юз сўмни ташкил қилади. Шартноманинг суммаси нефт махсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган нефт махсулотларининг нархлари, нефт махсулотини ташиш билан боғлик темир йўл ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилганда ёки нефт махсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда қайта кўриб чиқилади.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Нефт махсулотлари «Истеъмолчи»га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмолчи» тақсимотига кўра ўз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёқилғи қуйиш шахобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда **(кераклисини ости чизиб қўйилсин)** етказиб берилади.

2.2. Нефт махсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) томонлар келишган вақтда, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Махсулотни ортиш вақти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» нефт махсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда нефт махсулотларини ташиб кетишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4. «Таъминотчи» омборига махсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар махсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган ҳаражатлар «Истеъмолчи» зиммасига тушади.

2.5. Нефт махсулотлари қуйилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нипг автотранспортида олиб кетиш ҳоллари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Нефт махсулотлари «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт хужжатларида транпорт хизматининг ҳақи хам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» махсулот йўқлиги сабабли махсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган махсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт

Агарда махсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» кўрилган зарарни тўлайди.

## 3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1.Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2.«Истеъмолчи» олаётган нефт махсулоти учун ҳар ой олдиндан тулов:

- бензин, дизел ёқилғиси ва газ (Метан ва пропан) учун 100 фоиз;
- ёқилғи мазути учун 30 фоиз миқдорида амалга оширилади.

3.3.”Истеъмолчи” томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.
3.4.«Таъминотчи» нефт махсулотларини «Истеъмолчи»га махсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда сотади, бунда корхона устама нархи ва темир йул ҳаражатлари ҳисобга олинади.
3.5.Нефт махсулотларининг нархи, темир йул ҳаражатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

## 4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт махсулотларининг микдори ва сифати бўйича «Истеъмочи» «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жихатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йўрикнома»га ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан қабул қилиб олинади.

## 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб бериладиган махсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлиши хамда бу махсулот ортиш ва кузатувчи хужжатларида қайд этилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 «Таъминотчи» нефт махсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмол»чига мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянингумумий миқдори етказиб берилмаган нефт махсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни нефтмахсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.
6.2. Амалдаги қонунчилик ва хўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефт махсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефт махсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефт махсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар махсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтиб олиш хуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефт махсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи»дан акцептсиз тартибда ундирилади.
6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефт махсулотларини олишдан сабабсиз бош торганлиги учун «Истеъмолчи» нинг ҳаражатлар сметасида мавжуд маблағлар ҳисобидан «Таъминотчи» га олинмаган махсулотининг умумий қийматини 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Нефт махсулотлари тўлик олинмаган такдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, махсулот олинмаганлиги натижасида кўрган зарар қийматини тўлашни талаб қилишга хақли. бунда у мазкур махсулотнинг борлигига кафолат бериши лозим.
6.4. Етказиб берилган нефт махсулоти тўловини 60 кунлик кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» ҳисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги конунга биноан қўлланилади.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома 20__ йил «31» декабргача амалда бўлади.
7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 122-моддасига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши назарда тутилган.

## 9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув

тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса хеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

## 10. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар Фуқаролик Кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга амал қилган холда тартибга келтирилади.

## 11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

11.1. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар амалдаги суд қонун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судлари томонидан хал қилинади.
11.2. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимча ёзма равишда бўлиб, ҳар икки томон имзолангандан кейингина хақиқий ҳисобланади.
11.3. Тарафлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.
11.4. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

| Нефт маҳсулоти тури | 1 тонна учун нархи (сўмда) | Миқдори м³ | 1 чорак сумма | 2 чорак сумма | 3 чорак сумма | 4 чорак сумма | *Жами сумма* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| метан | 2400 | 562 | 1348800 | | | | |
| Жами: | | | | | | | |

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

**«Таъминотчи»**

MiDDLE ASIA GAS МЧЖ
(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)
Манзил: Ғиждувон тумани А.Қаххор
Тел./факс 99891-242-63-16
х/р 20214000204991893001
Банк номи Ҳамкорбанк Бухоро
МФО 00966
ОКОНХ 71211 OKED: 47300
СТИР 302351203

Раҳбар Х. Темиров
(Ф.И.Ш)
(имзо)

М.Ў.

**«Истеъмолчи»**

Ғиждувон тумани ХТБ
(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)
Манзил: Ғиждувон ш. Чорсу 97 уй
Тел./факс 57-29-143
х/в 100022860062157042960082001
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201557186
ОКОНХ
Ғазначилик бўлинмаси номи: Ғиждувон тумани
Ягона ғазна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк ББХККМ
МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919

Раҳбар Ф. Рахматов
(Ф.И.Ш)
(имзо)

М.Ў.

***Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):*** И. Одинаев
***Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси:*** 30.06.1998 № 016097

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**12.01.2022 даги**

**СП ООО MIDDLE ASIA GAZ ва Гиждувон туман КСХБ ўртасида 1348800,00 сўм умумий суммага тузилган 1201 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 082

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860062157042960082001

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4252500 | | | |
| Январь | 500 000,00 | | | 500 000,00 |
| Февраль | 500 000,00 | | | 500 000,00 |
| Март | 348 000,00 | | | 348 000,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **1 348 000,00** | | | **1 348 000,00** |

Жами 899300,00 сўм Саккиз юз тўқсон тўққиз минг уч юз сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан ___________ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______________ Рахматов Фируз Набиевич
(имзо) Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Баракаев Суннатилло Бахшуллоевич
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ________________ 20___й.